

МАҲАЛЛА ГЕНЕЗИСИ**Манзура Юнусова,**

АндДУ доценти, сиёсий фанлари номзоди

Abstrakt

Ушбу мақолада маҳалланинг пайдо бўлиши ҳақидаги турли қарашлар ва манбалар таҳлил қилинади. Маҳалланинг ривожланиш босқичлари илмий тадқиқ қилиниб, унинг функционал ўзгаришлари очиқ берилади. Маҳаллар фаолиятининг энг асосий йўналишлари даврий нуктаи назардан ўрганиб чиқилади.

Калит сўзлар: маҳалла, ўз ўзини бошқариш, жамият, жамоа, ижтимоий алоқа

Турон ва Эрон халқларининг тарихи ва маданиятига доир муҳим манъа – Авестода ҳам жамиятнинг бирламчи асоси бўлган қўни-қўшни жамоаси – ваешвадата ҳақида маълумотлар бўлиб, унинг қонун-қоидалари ўз ҳудудидга нисбатан татбиқ қилиниши ҳақида ёзилган.[1] Бу эса жуда қадимдан одамлар ўзлари яшаб турган маконда тартибли ҳаёт кечириш учун ижтимоий бирлашмаларга уюшгани ва ҳамма учун мажбурий бўлган қонун қоидаларни ҳам ишлаб чиққанидан далолат беради.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ҳам маҳалладаги ўзаро муносабатлар, одоб-ахлоқ ва бошқа муносабатлар учун мукамал қонун-қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, минг йиллар давомида барқарор амал қилиб келаётган алоқаларнинг ахлоқий-маънавий асосини ташкил қилиб келади. Шу сабабли бўлса керак исломи манбаларда маҳалла йирик диний ва сиёсий жараёнларнинг маркази сифатида тилган олинади. Жумладан, Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф асос солган islom.uz медиа платформасига кирувчи siyat.uz сайтида муҳим тарихий воқеалар маҳалла билан боғланган ҳолда қуйидагича баён этилади“Абу Жаҳл имзоланган қарорномани амалга тадбиқ қилиш учун кеча-кундуз тер тўкиб ҳаракат қиларди. Мусулмонларнинг маҳалласига кириб чиқаётганларни кузатиб борар, асосан, у ерга яширинча озиқ-овқат киритилишига йўл қўймас эди. Мусулмонлар Абу Толиб маҳалласида уч йил қамалда қолдилар (616-619 й.). Бу давр мушрикларнинг мусулмонларга қарши кўрсатган ёмонликларининг тўртинчи – маҳрумият даври эди. Уч йил давом этган бу маҳрумият даври мусулмонлар учун жуда оғир палла бўлди. Жўржи Зайдонга кўра: «Бани Ҳошим бу тазйик сабабли тоғларга чиқиб кетдилар. Уч йил тоғлар орасида яшашга мажбур бўлдилар. Улар Маккага яширинча киришарди».[2] Кўриниб турибдики ислом дини пайдо бўлган илк даврларда ҳам маҳалла арабларнинг ижтимоий ҳаётига кириб келган, одамлар эркинлик ва бурч, озодлик ва таъқиб каби фундаментал масалаларни бевосита маҳалла билан боғлаб талқин қилар эдилар.

Маҳаллардаги қадриятларни сақлаш ва келажақ авлодга етказишда ислом динининг ўрни беқиёс бўлиб, диний ибодатлар ва расм-русмлар айниқса кичик жамоаларда ҳам муваффақиятли яшаб қолгани мисолида яққол намоён бўлади. Жумладан, муқаддас Қуръони Каримда “Аллоҳга ибодат қилингизлар ва унга ҳеч нарсани шерик қилмангизлар. Ота-оналарга эса яхшилик қилингизлар. Шунингдек, қариндошлар, етимлар, Мискинлар. Қариндош қўшни ва бегона қўшни. Ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир) га ва қулостингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди.”[3] Кўриниб турибдики, илохий китобда ҳам яхшилик қилиш ижтимоий стратификация нуқтаи назаридан туриб аниқ-тиниқ қилиб кўрсатиб қўйилган. Бунда қўшни ва бегона қўшни тушунчалари алоҳида эътиборга молик бўлиб, географик жиҳатдан маълум бир ҳудудда яшаса ва ён қўшни бўлмаган тақдирда ҳам ўзаро яхшиликлар қилиш зарурлиги уқтирилади. Бу эса ижтимоий муносабатларнинг оиладан кейинги муҳим босиқичи – маҳалладошлар билан боғлиқ алоқаларни аҳамиятини тушгуниб олишга ёрдам беради. Эътибор берилса инсон нафақат яқин қариндошлари ёки қўшнилари балки, маҳалладошларига ҳам эзгуликларни бирдай улашиш зарурлиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Ҳазра Алишер Навоий асарлари миллий фалсафий меросимизнинг улкан хазинасидир. Буюк мутафаккирнинг жуда кўп асарларида ижтимоий муносабатлар ва улар билан боғлиқ муаммолар тилга олиб ўтилади. Шоирнинг аксарият асарларида инсонлар ўзаро дўстлик ва биродарлик, меҳра ва оқибат туйғуларини намоён этиб яшашга ундай. Жумладан шоирнинг ушбу сатрларида ҳам жамиятдаги жуда дорларб бўлган муамом тилга олинади:

Эл қочса бировдин, эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон-ямони бил они.[4]

Шоир жамият аъзоларини ўзаро тинч-тотув, бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда яшашга чақирар экан, эл ичидаги одамлар кўрса ўзини олиб қочадиган тоифалар ҳам бор эканига эътибор қаратади. Уларнинг аҳволида бахтсизлик ва омадсизлик намоён бўлиб туришидан огоҳлантиради. Бундай одамлар халқнинг бошига тушган бало, жонига жафо эканлигига эътибор қаратади. Олам ичидаги энг ёмон одам ҳам эл ундан қочадиган одамдир, дея ўз фикрларига хотима ясайди. Кўриниб турибдики, буюк шоиримиз даврида ҳам жамият аъзоларининг қўни-қўшни, қариндош уруғ, жамоадолари билан алоқалари, уларнинг уйғун ҳаёт кечириш масалалари долзарб аҳамиятга эга бўлган.

Маҳалла эса шахснинг айнан ана шундай қусурлари шаклланмаслигини таъминлайдиган буюк тарбия масканидир. Маҳалладаги болалик давридан бошланган

ижтимоийлашув жараёни мавжуд ижтимоий норма ва устқурмаларни жамият аъзолари томонидан тўла ўзлаштириб олишини таъминлайди. Бу эса ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг гаровидир.

Ёки шоирнинг жуда машҳур яна бир рубойси ҳам борки, у Ватан тушнчасини туб моҳиятини тўла-тўқис очиб бера олади:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.[5]

Шу сабаб бўлса керак кейинчалик, “маҳалла – Ватан ичра ватан” деган ибора пайдо бўлди ва ватанпарварлик, ўз юртига садоқат каби энг улуг хислатлар айнан маҳаллага бўлган муносабатда намоён бўла бошлади.

“Маҳаллалар қадимдан ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Бу борада Алишер Навоий ўз даврида жамият тузилиши ва турли табақаларнинг турмуш тарзини ўрганар экан, маҳаллаларда 32 хил ижтимоий қатлам ҳақида маълумот беради. Унда юқори синф вакиллари, камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар, муҳтожлар, текинхўрлар ҳам алоҳида кўрсатилган.

Жумладан, ижтимоий қатламларнинг йигирма еттинчисини ғариб ва бечоралар, йигирма саккизинчисини гадоилар ташкил этишини эътироф этади. Алишер Навоий бу каби табақаларнинг қашшоқликдан чиқишларига кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофазалашда маҳалланинг ўрни тўғрисида ижодий изланишлар олиб бориб, ушбу қатламларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини енгиллаштиришга кўмаклашувчи ва барчага бирдай хизмат кўрсатувчи 52 работ, 16 кўприк, 9 ҳаммом, қатор масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар қурдириб маҳаллалар ихтиёрига топширади.”[6]

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг моҳир лашкарбоши ва давлат арбоби эканидан келиб чиқиб маҳалла тамасига ўзгача ёндашади. Жумладан, Самарқанд шаҳри маҳаллалар билан ўраб олингани ва Андижонсой Ўш маҳаллари орқали ўтиб, Андижон шаҳрига кириб келишини ёзади.[7]

Маҳалла нафақат маиший муносабатлар, балки давлат аҳамиятига молик бўлган ижтимоий ҳимоя каби муҳим сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиш бўғини эканлиги ҳам юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди. Бугунги кундаги камбағалликни тугатиш, тадбиркорлик ташаббуслари ва манзилли ёрдам сиёсатининг айнан тарихий илдизлар жуда узоқларга бориб тақалиши аён бўлмоқда.

Россия империяси даврида ҳам маҳалла бошқарувнинг муҳим ячейкаси бўлиб қолаверди. Айнан ана шу даврдан бошлаб маҳалла тизимининг ҳуқуқий асосларини яратишга интилиш бошлади. Россия империяси қонунлари намунасидаги “Туркистон

ўлкасини идора этиш Низоми” қабул қилинди. “Вилоят ва уезд маъмурий идоралари жойлашган аҳоли марказлари шаҳар ҳисобланган. Шунинг айтиши керакки, ҳар бир волость 1000 дан то 2000 гача хонадонни ёки 10-13 қишлоқ жамоа (оқсоқоллик)ни ўз ичига олган. Оқсоқолларнинг вазифалари ўз ҳудудида мажлис ва йиғинларни ташкил этиш, солиқ ва бошқа тўловларни йиғиш, расмийлаштириш ҳамда уларни давлат хазинасига топширишдан иборат эди.”[8] Маҳалла оқсоқоллари давлат томонидан юклатиладиган вазифаларни бажариши, аҳолидан турли ундирувларни амалга ошириши зарур эди. Чунки, маданий турфа хиллик шароитида руслар аҳоли билан ишлашда маҳалла фаолларининг кўмагига таянишига мажбур эди.

Чор Россияси ва кейинчалик совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда таълим соҳасида фаолият кўрсатган профессор Н.Маллицкий 1927 йилда нашр этилган “Ташкентские маҳалля и мауза” деб номланган асарида Тошкентдаги маҳаллаларнинг рўйхати келтирилиб, ана шу даврга қадар олиб борилган рус олимларининг асарларига ҳам шарҳ бериб ўтилган.[9] Асарнинг илмий қимматини Тошкент маҳалларининг тарихий номлари тўлиқ акс этганлиги ва шаҳар ҳўжалигига доир айрим маълумотлар оширади.

Совет давридаги яна тарихчи олимнинг “Квартальная община позднефеодального города Бухары” асарида маҳаллардаги ижтимоий ҳаёт таҳлил этилиб умумий равишда кўчалар биргаликда тозалангани, ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани ва ҳар бир маҳалла шзининг умумий ҳўжалигига эга бўлиб, унинг таркибига қозон-ўчоқ ва бошқа тўй-ҳашамларда ишлатиладиган буюмлар кириши қайд этиб ўтилган.[10] Асарда Бухоро маҳалларидаги ҳаёт ўз даврининг мафкуравий қилипларидан келиб чиқиб, синфийлик назарияси нуқтаи назаридан таҳлил этилганини ҳам эътироф этиб ўтиш зарур.

Совет давридаги дастлабки ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳужжатларда маҳалла сўзи 1922-1923 йилларда учрай бошлайди. Туркистон автоном ССРнинг Ички Ишлар халқ комиссарлиги циркулярларида маҳаллий аҳоли яшайдиган эски даҳаларига нисбатан ишлатилган.[11] Ушбу ҳужжатларда маҳалла комиссиялари фаолиятини қонунийлаштириш солиқ ва тушумларни йиғиш жараёнида зарур бўлаётганига эътибор қаратилади. Кўриниб турибдики, узоқ минг йиллар давомида ижтимоий бошқарув институти сифатида фаолият кўрсатган маҳаллалар эндиликда солиқ ва тушунмларни йиғишдаги инструмент сифатида эътироф этила бошлади. Айнан ана шу ҳужжатлар билан салкам 100 йил давом этган маҳалланинг анъанавий ташкилий шакли – раис, хотин-қитзлар бўйича ўринбосар ва котибдан иборат тузилма шакллантириб берилди. Шу билан бирга ўша даврда маҳалла фаолиятини талқин қилишга доир бир қатор қарама қаршиликларни келтириб чиқарди, бу айниқса маҳалла фаоллари солиқларни

йиғиши керакми ёки маҳаллий ҳокимиятнинг хўжалик масалаларида аҳоли билан мулоқотни таъминлаш воситасими, деган масалаларда айниқса яққол намоён бўлди.[12] Юқоридаги ҳужжатлардан кўриниб турибдики, маҳалла институтини ўзининг тарихий илдизларидан мосуво қилиб, фақат молиявий инструмент сифатида ишлатиш, аҳолидан пул маблағларини йиғиш учун фойдаланиш Совет ҳокимияти ичида ҳам қарама қаршилиқни келтириб чиқарган. Чунки, маҳалла соф маънода давлат институти бўла олмас эди. Маҳалланинг салоҳияти фуқароларнинг ўзаро розилиги ва ташаббуси билан амалга оширилади деган ишлар орқали намоён бўлади. Сунъий йўл билан шакллантирилган маҳалла тузилмалари жамоатчиликнинг ишончини оқламагани ва бу ҳолати узоқ йилларгача давом этгани маълумдир.

Кейинчалик 1932 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон ССРнинг маҳалла (даҳа) кўмиталари ҳақидаги низом”да қуйидагилар белгилаб қўйилди. Жумладан, туман кенгашлари ҳузуридаги маҳалларларга солиқ ва тушумларни йиғиш, шаҳардаги ижтимоий ва хўжалик қурилиши ишлари, коммунал ва маданий соҳа, жамоат тартиби ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича ҳукумат қарорларини бажаришда кўмаклашиш юкланди.[13] Шу билан бирга эндиликда маҳалла комиссиялари тушунчасининг ўрнига кўмита сўзи ишлатила бошлади. Советлар маҳалларнинг имкониятларини кенгайтириб аста секин маданий қурилиш каби масалаларда ҳам маҳаллага таяна борди, бу эса унинг қўшимча имкониятларини рўёбга чиқара борди.

Сталин ўлимидан сўнг маҳаллаларнинг маънавий-маданий ҳаётдаги ўрни юксала борди. Эндиликда ҳокимият учун маҳалларнинг молиявий назорат функцияларидан кўра маънавий ҳаётга таъсир кўрсатиш имкониятлари қизиқарли бўлиб кўрина бошлади ва тўлиқ мафкуравий ва тарғибот мақсадларини амалга оширишга йўналтирилди.[14] Масаланинг қизиқарли томони шундаки совет ҳокимияти йилларида байнамиллалик тушунчалари устувор бўлиб, ҳаар қандай миллий кўринишдаги ҳолатларга қарши курашилган бўлсада, энг оғир даврларда ҳам маҳалланинг муқобили топилмади ва бутун совет ҳокимияти йилларида маҳалла халқимизнинг ўлмас қадриятлари сирасига киришини исботлаб бера олди.

Соҳадаги ислохотлар шу билан тўхтаб қолмади. Ўтган асрнинг олтиминчи йиллари бошида “Ўзбекистон ССРнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларидаги маҳалла кўмиталари тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.[15] Ана шу даврлардан бошлаб бир қатор ўзгаришлар бўлдики, бу янгиликлар сўнги 60-70 йил давомида амалда бўлди.

Биринчидан, маҳалла раислари бир йилга сайланадиган бўлди;

Иккинчидан, маҳалла раиси ҳузуридаги кўмита фаолияти шакллантирилди ва у 9 дан 21 нафаргача оқсоқоллардан иборат бўлиши белгилаб қўйилди;

Учинчидан, маҳалла фаолиятида “ғамхўрлик қилиш”, “кузатиш”, “ёрдам кўрсатиш”, “ташқиллаштириш” ва “ҳамкорлик қилиш” каби функциялар пайдо бўлди;

Тўртинчидан, юқоридаги ҳужжат биринчи маротаба мамлакат олий органи томонидан қабул қилинди;

Бешинчидан, маҳалла давлат органи сифатида эътироф этилди;

Олтинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинига давлат герди тасвири туширилган муҳр берилди;

Еттинчидан, маҳалла нафақат шаҳар ҳудудида балки қишлоқ ва овулларда ҳам тузилиши белгилаб қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. – С. 89.
2. <https://siyrat.uz/maqola/1085> - Мусулмонларнинг уч йил қуршов остида қолиши.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. «HILOL NASHR» нашриёт – матбааси. 2017 йил, “Нисо” сураси.36-оят. 628 бет
4. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/aforizmlar/alisher-navoiy-hikmatlari/> - Алишер Навоий ҳикматлари
5. APPROACHES TO HIGHER EDUCATION RESEARCH. A EgamberdievThematics Journal of Applied Sciences 6 (1).
6. <https://uza.uz/uz/posts/ma-alla-moziy-bugun-va-kelazhakni-tutashtiruvchi-maskan-21-03-2020> - 22 март – Маҳалла тизими ходимлари байрами куни
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 2008 й. Ўқитувчи нашриёти. – Б. 29.
8. HIGHER EDUCATION TRANSFORMATION IN UZBEKISTAN. A Egamberdiev. Thematics Journal of Education 7 (2).
9. Қаранг: Маллицкий. Н. Ташкентские маҳалля и мауза. Ташкент, 1927 й.
10. Сухарев.ОА. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. Издательство «Наука». Москва, 1976. – С. 21.
11. Центральный государственный архив Республики Узбекистан. Ф. 39. Оп. 2. Д. 176. Л. 3, 5–5об. Циркуляры НКВД ТАССР об организации махаллинских комиссий и переписка с управлением налогами и госдоходами Комиссариата финансов РСФСР о содержании членов махаллинских комиссий.
12. Государственный архив Ферганской области. Ф. 121. Оп. 2. Д. 481. Л. 192–201; Д. 482. Л. 3–6.
13. Положение «О махаллинских (квартальных) комитетах в городах Узбекской ССР» // Собрание узаконений и распоряжений рабоче-дехканского правительства Узбекской Советской Социалистической Республики. 1932. № 10. 7 апреля. С. 617–618.

<https://conferencea.org>

- 14.Сергей Абашин. Советская власть и узбекская махалля. Неприкосновенный запас » №4, 2011
- 15.Положение «О махаллинских (квартальных) комитетах в городах, поселках, селах и аулах Узбекской ССР» // Ведомости Верховного совета Узбекской ССР. 1961. № 25. 11 сентября. С. 52–57.
- 16.HIGHER EDUCATION IN SOME WESTERN RESEARCH. A Egamberdiev. Thematics Journal of Social Sciences 8 (2)